

Вафот этган ходим Т.Бекбаулиевнинг оиласидаги боқувчисини йўқотган онаси, турмуш ўртоғи, вояга етмаган қизига тўланиши зарур булган тўловлар онасига бир йўла нафақа 85 млн. 317 минг сўм, ойма-ой тўлов бўйича 6 ойга тўланмай қолган 5 млн. 76 минг сўм, турмуш ўртоғи эрининг жанозасига 8 млн. сўм, бир йўла нафақа 112 млн. 189 минг сўм, қизига 85 млн. 317 минг сўм ва ойма-ой тўлов бўйича 6 ойга тўланмай қолган 5 млн. 76 минг сўм, жами оиласига 300 млн. 978 минг сўм маблағ, оғир жароҳат олган ва оқибатда 3-гурух ногирони бўлиб қолган ходим Ф.Туремуратов бир йўла нафақа 132 млн. 261 минг сўм, ногиронлиги туфайли тўланадиган 3 ой қарздорлиги 8 млн. 644 минг сўм, жами 140 млн. 905 минг сўм, оғир жароҳат олган И.Сабирбаевга бир йўла нафақа 60 млн. 240 минг сўм Қорақалпоғистон Республикаси бўйича меҳнат техник инспекторининг кўрсатмасига асосан иш берувчидан ундириб берилган.

#### **Андижон вилоятида:**

Республика Кенгашининг Андижон вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспекторининг 2022 йил 21 февралдаги 5-Ҳ/И-сонли кўрсатмасига асосан Андижон вилоят юқумли касалликлари шифохонасида ташкил этилган "COVID-2019" госпитилида фаолият кўрсатаётган ходимларга 2021 йил 10 ноябрдан 9 декабргача бўлган 30 кунлик давр учун 103 нафар шифокор, 162 нафар ўрта тиббиёт ходими, 112 нафар кичик тиббиёт ходим, 24 нафар бошқа ходимлари, жами 401 нафар ходимларга 2 млрд. 747 млн. 158 минг сўм маблағ, шунингдек 10 декабрдан 31 декабргача бўлган 22 кунлик даври учун 87 нафар шифокор, 135 нафар ўрта тиббиёт ходими, 89 нафар кичик тиббиёт ходими ва 24 нафар бошқа ходимлар билан жами 335 нафар ходимларга 1 млрд. 759 млн. 453 минг сўм махсус тўловлар ҳисобланиб жами 736 нафар ходимларга 4 млрд. 506 млн. 612 минг сўм ундирилиб берилган.

Андижон вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспекторининг 2023 йил 16 июндаги Андижон давлат тиббиёт институти томонидан Меҳнат кодексининг 233-моддаси талаблари асосида меҳнат таътилига чиққан ходимларга таътил пулини таътил бошлангунга қадар охириги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириш тўғрисидаги 28-Ҳ/И-сонли кўрсатмасига асосан 833 нафар профессор-ўқитувчиларга 10 млрд. 189 млн. 441 минг сўм меҳнат таътили пуллари тўлаб берилган.

#### **Бухоро вилоятида:**

Фуқаро О.Мўминова 2021 йил 8 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгашига ариза билан мурожаат қилиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси Бухоро давлат тиббиёт институти томонидан Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисм 3-бандига асосан бекор қилинганлигидан норози эканлигини

билдириб, ўз ишига тикланишига амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Мурожаат атрофлича ўрганилиб, институтининг 2021 йил 02 ноябрдаги О.Мўминова билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 1323/4-сонли буйруғи ғайриқонуний эканлиги иш берувчига тушунтирилиб, ушбу буйруқни бекор қилиш юзасидаги олиб борилган музокоралар ўзининг натижасини бермаганлиги сабабли 2021 йил 30 ноябрда ФИБ Бухоро туманлараро судига даъво аризаси киритилган.

Мазкур суд томонидан даъво аризасини қаноатлантиришни рад қилинганлиги сабабли юқори инстанцияга апелляция шикоят киритилган. Бухоро вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида биринчи инстанция судининг 2022 йил 16 мартдаги мазкур иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш, янги ҳал қилув қарори қабул қилиш, Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2021 йил 02 ноябрдаги 1323/4-сонли буйруғини бекор қилиб, шу институтда кадрлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган О.Мўминовани ўз ишига тиклаш ва унинг фойдасига мажбурий прогул кунлари учун 19 млн. 754 минг сўм иш ҳақи ҳамда маънавий зарар учун 3 млн. сўм ундириш тўғрисида ажрим қилиниб, апелляция шикояти қаноатлантирилган.

#### **Жиззах вилоятида:**

Ғаллаорол туман тиббиёт бирлашмасининг шифокорлари М.Ж.Нурмуратов ҳамда А.М.Эгамбердиевлар Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят Кенгашига пенсия ёшига етиб меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлсада, иш берувчи томонидан тўланмасдан келинаётган фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун тўланиши лозим бўлган компенсация пуллари тўлаб берилмаётганлиги боис, ушбу таътил пулларини ундириб беришни сўраб қилган мурожаати меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан ўрганиб чиқилган.

Ўрганиш натижасига кўра, мазкур ходимлар манфаатида ФИБ Ғаллаорол туманлараро судига киритилган даъво аризаси, суднинг 2023 йилнинг 22 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра М.Нурмуратовга фойдаланилмаган 29 йиллик меҳнат таътили учун 330 млн. 145 минг сўм, А.Эгамбердиевга фойдаланилмаган 23 йиллик меҳнат таътили учун 266 млн. 767 минг сўм жами ҳисобда 596 млн. 912 минг сўм миқдорида компенсация пуллари Меҳнат кодексининг 234-моддаси талабига кўра ундириб берилди.

Республика Кенгашига Ғаллаорол туман ТТЁБ ходимларининг 2023 йил 8 февралдаги Республика тез тиббий ёрдам маркази Жиззах филиалига ўтказилгандан буён филиал бухгалтерияси томонидан иш ҳақлари тўғри ҳисоблаб берилмаётганлиги ва қолиб кетган иш ҳақларини ундириб беришда амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати юзасидан меҳнат ҳуқуқ

инспектори томонидан олиб борилган ўрганиш натижасига кўра, иш берувчига 2023 йил 21 феврал куни киритилган 07-сонли кўрсатма натижасига кўра, 175 нафар ходимларнинг иш ҳақлари қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда 113 млн. 707 минг сўм ундириб берилишига эришилган.

Дўстлик туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида 2023 йил 16 март куни Республика Кенгашининг Жиззах вилояти бўйича меҳнат техник инспектори томонидан жамоатчилик назорати ўтказилган, натижада 28 нафар ходимларга иш ўринлари аттестацияси хулосасида белгиланган қўшимча меҳнат таътиллари берилмасдан келинганлиги аниқланган, мазкур қўшимча меҳнат таътилларини Меҳнат кодексининг 150-моддасига кўра қайта ҳисоб-китоб қилиб компенсация тариқасида тўлаб беришлиши бўйича иш берувчига кўрсатма киритилган.

Киритилган кўрсатма иш берувчи томонидан бажарилмаганлиги сабабли 28 нафар ходимлар манфаатида ФИБ Дўстлик туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, натижада мазкур суднинг ҳал қилув қарорига асосан бўлимдаги 28 нафар ходимларга жами 51 млн. 172 минг сўм маблағлар қайта ҳисоб-китоб қилиниб компенсация тариқасида тўлаб беришлишига эришилган.

#### **Қашқадарё вилоятида:**

Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Шаҳрисабз туман бўлими ходими М.Анвархонова 2023 йил 15 июнда Республика Кенгашига бола парваришlash таътилидан ишга чиқишида амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати Республика Кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан атрофлича ўрганилиб, Меҳнат кодексининг 239 ва 405-моддалари талаблари бузилганлиги сабабли, Шаҳрисабз туман Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими раҳбари номига киритилган кўрсатма қаноатлантирилмаганлиги учун белгиланган тартибда ФИБ Шаҳрисабз туманлараро судига даъво аризаси киритилган.

ФИБ Шаҳрисабз туманлараро судининг 2023 йил 3 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра М.Анвархонованинг манфаатида Шаҳрисабз туман Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимига нисбатан “ишга тиклаш, мажбурий прогул учун компенсация пули ҳамда маънавий зарар ундириб бериш ҳақида”ги даъво аризаси қаноатлантирилиб, М.Анвархоновани Шаҳрисабз туман Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимида 1.0 ставка иш ўрни билан ўз иш жойи ва лавозимига тиклаш, жавобгар ҳисобидан М.Анвархонованинг фойдасига 42 млн. 395 минг сўм иш ҳақи, 10 млн. сўм маънавий зарар ундириш

ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилган.

Республика Кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича меҳнат инспекторлари томонидан Қашқадарё вилоят ОИТСга қарши кураш марказида 2023 йил 27 июнда жамоатчилик назорати олиб борилган.

Қашқадарё вилоят ОИТСга қарши курашиш марказининг 12 нафар ходимлари коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси даврида 2020 йилнинг март ойидан 2021 йил июль ойига қадар бўлган давр оралиғида аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ишларига белгиланган тартибда жалб этилган. Мазкур давр учун ходимларга махсус тўловлар тўланган. Лекин, 12 нафар ходимларга тўланиши лозим бўлган суммадан 124 млн. 229 минг сўм кам тўланганлиги аниқланган.

Аниқланган ҳолат юзасидан 2023 йил 27 июнда 12-2023-сонли кўрсатма киритилган. Ушбу киритилган кўрсатма талаби Қашқадарё вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан ўз вақтида бажарилган ва 12 нафар ходимларга 124 млн. 229 минг сўм тўлаб берилган.

#### **Навоий вилоятида:**

Республика Кенгашининг Навоий вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан Навоий вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ходими Ш.А.Вафоевга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4652-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасига короновирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг 2020 йил 30 апрелдаги 20-сон йиғилиш баёнининг 1-иловаси 22-23 бандлари асосида 2020 йил 30 апрелдан 19 августга қадар короновирусга қарши курашиш тадбирларига жалб қилинганлиги учун ўз вақтида тўланмасдан қолган махсус тўлов аниқланиб, 2022 йил 1 июндаги кўрсатмага асосан жами 248 млн. 578 минг сўм ундириб берилган.

Навоий вилоят санитария эпидемиология ва жамоат саломатлиги бошқармаси ходимларига 2020-2021 йиллардаги иш ҳақини (коронавирус пандемияси даврида ходимларга бериладиган барча қўшимчалар, шу жумладан махсус тўловлар, кунлик қўшимчалар, бир йўла бериладиган тўловлар, байрам ва дам олиш кунлари ишлаганлик учун) тўловлар қўшиб, йиллик меҳнат таътили пулига қўшиб тўланмасдан қолинганлиги сабабли 9

нафар ходимнинг мурожаатига асосан меҳнат таъгил пуллари қайта ҳисоб-китоб қилиниб Фуқаролик ишлари бўйича суднинг 2022 йил 25 августдаги суд буйруғига асосан 301 млн. 595 минг сўм ундириб берилган.

#### **Наманган вилоятида:**

Наманган туман тиббиёт бирлашмасида ишловчи ходимлардан 4 нафари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси инспекциясининг Наманган вилояти бўйича меҳнат инспекторига, туман тиббиёт бирлашмаси қошида ташкил этилган “Хушёрхона”да навбатчилик қилиб келаётганликлари, навбатчиликнинг тунги вақтлари учун иш ҳақи тўланмаётганли юзасидан мурожаат келиб тушган.

Мазкур мурожаат бўйича жойида ўтказилган ўрганишлар натижасида, Наманган туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 2022 йил 12 декабрда 3398-6-82-ТВ/2022-сонли “Алкоголь гиёҳвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктини ташкил этиш ва туну-кун қўриқлашни таъминлаш” ҳақида буйруқ расмийлаштирилиб, ушбу тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимида навбатчилик қилишлари учун бирлашмада ишлаб келаётган 4 нафар ходимни ўриндошлик асосида навбатчиликни амалга оширишлари бўйича буйруқлар расмийлаштирилган. Бироқ уларга бажарган ишлари бўйича тунги навбатчилик ишлари учун иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланган.

Набатчиликга қабул қилинган О.Рафиқов, С.Турғунов, Ж.Нишанов, А.Шералиевлар манфаатларида иш ҳақини ундириш бўйича ФИБ Наманган туманлараро судига даъво аризаси киритилган.

Мазкур судда даъво кўриб чиқилиб, суднинг 2025 йил 17 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қисман қаноатлантирилган. Даъвонинг тунги вақтда ишлаганлик учун иш ҳақларини тўлаб бериш ҳақидаги қисмини қаноатлантириш рад қилинган.

Мазкур суд қарори бўйича апелляция шикоятни берилиб, даъвони тўлиқ қаноатлантириш сўралган.

Апелляция инстанциясида шикоят қаноатлантирилган ва жавобгар Наманган туман тиббиёт бирлашмасидан 4 нафар ходимларга жами 46 млн. 296 минг сўм иш ҳақи ундирилиши юзасидан ажрим чиқарилган.

Уйчи туман тиббиёт бирлашмасининг 112 нафар тиббиёт ходимларига иш берувчи томонидан дам олиш (якшанба) кунида ишга жалб этилган(сайлов жараёнларига жалб этилган)лиги учун жами 17.185.302 сўм иш ҳақлари кўрсатма киритиш орқали ундирилган.

Республика Пахталикўл фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация Марказининг 6 нафар ходимларининг мурожаатига асосан ходимларни ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун жами 224 млн.719 минг сўм

миқдорида маблағлар суд қарори орқали ундирилган ва ходимлар ўз ишларига қайта тикланган.

### **Самарқанд вилоятида:**

2023 йилда Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Ағрон” 27-сон оилавий поликлиникаси шифокори М.Махаммадиевнинг мурожаати ўрганилиб, мурожаат муаллифи томонидан жамоа шартномасида белгиланган 9 календарь кундан иборат меҳнат таътили берилмаётганлигидан норозилиги баён қилинган эди.

М.Махаммадиевнинг аризасини ўрганиш давомида нафақат М.Махаммадиевга, балки тиббиёт бирлашмасида ишловчи 751 нафар ходимларга ушбу қўшимча таътиллари қўлланилмаётганлиги аниқланиб, тиббиёт бирлашмаси раҳбарига кўрсатма киритилган.

Кўрсатма ижроси ўз вақтида таъминланмагач, белгиланган тартибда вилоят прокуратурасига тақдимнома киритилган.

2024 йил февраль ойида кўрсатма ижроси таъминланди ва натижада туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 751 нафар ходимларга 590 млн. 422 минг 200 сўм қўшимча меҳнат таътиллари маблағлари ундириб берилишига эришилган.

Худди шунингдек, 2024 йилда Булунғур туман тиббиёт бирлашмасида ишлаб пенсияга чиққан, Б.Жайсановнинг иш фаолияти давомида 20 йил меҳнат таътилларидан фойдаланмаганлиги ва ушбу фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация маблағларини ундириб бериш юзасидан амалий ёрдам бериш сўралган эди.

Мурожаатни ўрганиш давомида туман тиббиёт бирлашмасига киритилган кўрсатма орқали Б.Жайсановга фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун 85 млн. 140 минг сўм маблағ ундириб берилган.

Бундан ташқари, ФИБ Жомбой туманлараро суди орқали эса фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун қўшимча 7 млн. 441 минг сўм, фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация пуллари ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли Меҳнат Кодексининг 333-моддасига асосан, 109 млн. 609 минг 200 сўм ва етказилган маънавий зарар учун 5 млн. 592 минг сўм, жами 207 млн. 784 минг сўм маблағ ундириб берилишига эришилган.

### **Сирдарё вилоятида:**

Республика Кенгаши Сирдарё вилояти меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан Сирдарё вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасида ҳамда туман (шаҳар) бўлимларида 2023 йил август, сентябр ойларида ходимларга тўланган махсус тўлов ва бир йўла тўланадиган тўловлардан ўртача иш ҳақини ҳисоблаш ҳолати юзасидан жамоатчилик назорати ўтказилиб.

Сирдарё вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси томонидан ходимлар ҳисобига ҳақиқатдан ҳам кўшимча таътил пуллари тўлаб берилмаганлиги аниқланган.

Сирдарё вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғига ходимларга юқоридаги тўловлар тўланиши юзасидан кўрсатма киритилган, кўрсатма ижросиз қолдирилганлиги сабабли бошқарманинг 36 нафар ходимлари манфаатида 247 млн. 708 минг сўм миқдордаги пул маблағи ундирилиши бўйича ФИБ Гулистон туманлараро судига даъво аризалари киритилган.

Иш суд томонидан мазмунан кўриб чиқилиб, киритилган даъво аризаси қаноатлантирилган ҳамда 2024 йилнинг апрел ойида ушбу пул маблағлари ходимлар ҳисобига тўлаб берилган.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Сирдарё вилояти Кенгашига 2024 йил 4 январ куни Сайхунобод туман тиббиёт бирлашмаси анестезиолог-реаниматолог шифокори Х.Б.Рашидов 2023 йил 30 апрел куни иш вақтида бахтсиз ходисага учраганлиги, аммо шу кунгача бир йўла бериладиган нафақа ҳамда ойма-ой бериладиган зарар пулларини тўланмаётганлиги 9 ойдан бери мазкур масала ижобий ҳал бўлмаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилган.

Республика Кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат техник инспектори томонидан 2024 йил 10 январ куни Сайхунобод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғига бир йўла бериладиган нафақа ҳамда ойма-ой бериладиган зарар пулларини берилиши юзасидан буйруқ расмийлаштирилиши, тегишли хужжатларни суғурта ташкилотларига тақдим қилиниши тўғрисида кўрсатма киритилган.

Юборилган кўрсатмага асосан 186 млн. 926 минг сўм бир йўла бериладиган нафақа ҳамда 38 млн. 631 минг сўм ойма-ой зарар пуллари жами бўлиб, 225 млн. 558 минг сўм пул маблағлари ундириб берилган.

2024 йилда Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмасида жамоатчилик назорати тартибда ўрганиш ўтказилган, натижада аниқланган камчиликлар юзасидан яъни, Меҳнат Кодексининг 363-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика Кенгаши ўртасида тузилган “Тармоқ келишуви”нинг 6.5-бандида Адлия вазирлигида 2009 йил 25 августдаги 1998-сон билан рўйхатга олинган “Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ишлаб чиқаришлари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини таъминланмаганлиги юзасидан кўрсатма киритилган. Ушбу кўрсатма ижроси белгиланган муддатда таъминланмаганлиги сабабли 2024 йил 12 декабр ФИБ Боёвут туманлараро

судига даъво аризаси киритилган.

Суд томонидан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, мазкур қарорга асосан Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси томонидан 187 нафар тиббиёт ходимларига 28 млн. 50 минг сўмга махсус кийим(оқ матоли халат) билан таъминланганлар.

### **Сурхондарё вилоятида:**

2025 йилнинг 27 март куни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят Кенгашига вилоят қон қуйиш станцияси ходими Г.Хакимова ҳамда Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Д.Шоимқулова ва бошқаларнинг иш берувчи томонидан ходимларни тиббий кўриқдан бепул ўтказилишида амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатлари Республика Кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат техник инспектори томонидан ўрганиб чиқилган.

Меҳнат кодексининг 292 ва 360-моддалари, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи талаблари бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.05.2022. йилдаги ПФ-136-сонли “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонининг 4-қисми “б” бандида “барча тиббиёт ходимлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан бепул ўтказилади”, - деб белгиланган бўлсада, 2025 йил биринчи чорак якуни ҳолати бўйича Сурхондарё вилоят ОИТСга қарши кураш маркази ҳисобига Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан маблағ ажратилмаганлигини важ қилган ҳолда марказ томонидан тиббиёт ходимларини дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари йўлга қўйилмаган.

Мурожаатни ўрганиш якуни бўйича Республика Кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат техник инспектори томонидан Сурхондарё вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори номига 2025 йил 29 мартдаги 05-УБ-сонли ҳамда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси бошлиғи номига 2025 йил 4 апрелдаги 06-УБ-сонли кўрсатмалари киритилиб, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси ҳисобидан 4 млрд. 439 млн. сўм маблағ ажратилган ва Сурхондарё вилоятидаги 30 минг 361 нафар тиббиёт ходимлари тиббий кўриқдан бепул ўтказилган.

### **Фарғона вилоятида:**

Республика Кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспекторлари томонидан ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, меҳнат қонунчилиги доирасида йўл қўйилган хато-

камчиликларни бартараф мақсадида вилоятдаги тиббиёт муассасаларида жамоатчилик назоратини Бағдод тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимида олиб борилиши жараёнида, ушбу муассасанинг 63 нафар ходимига 2020-2021 йилларда меҳнат таътил пулларини тўлашда қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат бўйича иш берувчига 34-сонли кўрсатма киритилган.

Юқоридаги кўрсатмага асосан муассасанинг 63 нафар ходимига кам тўланган 105 млн. 179 минг сўм таътил пуллари ундириб берилган.

Боғдод туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхона бўлимида реконструкция ишлари амалга оширилаётганлиги сабабли 89 нафар ишчи ходимларга иш хақи пуллари тўлаб берилмаган. Бу қонунбузилишни бартараф этиш мақсадида ФИБ Риштон туманлараро судига даъво ариза киритилган. ФИБ Риштон туманлараро судининг 2025 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан Боғдод туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхона бўлимининг 89 нафар ходимларга 450 млн. сўм ундириб берилган.

Тиббий кўрик масаласида: Тиббий кўрик учун ўз ҳисобидан маблағ сарфлаб чиқимдор бўлган 1 минг 493 тиббиёт ходимларига 33 млн. 612 минг сўм тўлиқундирилишига эришилган. Жумладан;

Фарғона вилоят Силга қарши курашиш диспансерида ишловчи 93 нафар ходимга 4 млн. 128 минг сўм,

Учкўприк туман тиббиёт бирлашмасида ишловчи 444 нафар ходимга 11 млн. 100 минг сўм,

Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмасида ишловчи 202 нафар ходимга 4 млн. 516 минг сўм,

Тошлоқ туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида ишловчи 2 нафар ходимга 302 минг сўм ундирилган.

### **Бахтсиз ходисалар оқибатларини бартараф қилиш бўйича:**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган шошилиш тез ёрдам хамшираси Н.Мамажоновга касаба уюшмасини аралашуви билан суғурта компаниясидан 24 млн. 140 минг сўм маблағ ундириб берилган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспекторининг кўрсатмасига асосан жабланувчи Фарғона вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг бошқармаси дори-дармон омбори мудири Ж.Мирзакаримовга суғурта компаниясидан жами 250 млн. сўм товон пули ундириб берилган.

### **Хоразм вилоятида:**

Хива тумани "Оқ-ёп" маҳалласи Оқ-ёп 2-кўчаси 26-уйда яшовчи фуқаро Н.Ж.Юсупова томонидан Хива туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 44-ОПда 1,0 ставка мудир ва 0,75 ставка ички ўриндошлик асосида оилавий шифокор вазифасида ишлаб келганлиги ва ОП мудирлик вазифаси учун тоифаси тўланиши ёки тўланмаслиги тўғрисида аниқлик киритиб бериш мақсадида Республика Кенгашига 2023 йил 13 январ куни қилган мурожаати Республика Кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан ўрганиб чиқилган.

Мурожаатни ўрганиш давомида фуқаро Н.Юсупованинг ички ўриндошлик вазифасида ишлаганлиги учун иш стажидан келиб чиққан ҳолда 2017 йил 1 майдан 2023 йил январ ойигача узлуксиз иш стажи учун ички ўриндошлик асосида оилавий шифокори вазифасига бериладиган устама маблағлар тўлаб келинмаганлиги аниқланган ва бу ҳолат бўйича ФИБ Боғот туманлараро судига фуқаро Н.Юсупова манфаатини кўзлаб даъво аризаси киритилган.

Киритилган даъво аризасига асосан ФИБ Боғот туманлараро судининг 2023 йил 26 апрелдаги (2-2203-2301/2528 сонли) ҳал қилув қарорига асосан фуқаро Н.Юсуповага узлуксиз иш стажи учун бериладиган устама маблағлар тўлаб бериш тўғрисида қарори қабул қилинишига эришилган.

Жавобгар Хива туман тиббиёт бирлашмаси томонидан ФИБ Боғот туманлараро судининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб келтирган Апелляция шикояти Хоразм вилоят суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати томонидан кўриб чиқилиб, 2023 йил 13 июлдаги (3-447-23 сонли) Ажрими билан ФИБ Боғот туманлараро судининг (2-2203-2301/2528 сонли) 2023 йил 26 апрелдаги ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят Кенгаши томонидан 2023 йил 6 август куни фуқаро Н.Юсуповани манфаатини кўзлаб Хоразм вилоят суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2023 йил 13 июлдаги (3-447-23 сонли) Ажримини бекор қилиб, янги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантиришини сўраб Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича Кассация судига кассация шикояти киритилган.

Киритилган шикоят аризаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича Кассация суд томонидан 2023 йил 3 ноябрь кунги 6-3330-23-сонли Ажримига асосан Хоразм вилоят суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2023 йил 13 июлдаги (3-447-23 сонли) Ажримини бекор қилиб ФИБ Боғот туманлараро судининг (2-2203-2301/2528 сонли) 26-апрель 2023 йил 26 апрелдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириб,

фуқаро Н.Юсуповага 40 млн. 253 минг сўм кам ҳисобланган иш ҳақи ва маънавий зарар учун 8 млн., жами 48 млн. 253 минг сўм маблағ ундириб берилишига эришилган.

2024 йил феврал ойида Ж.Ражабова Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Хоразм вилояти кенгашига, Ҳазорасп туман тиббиёт бирашмасида кўп йиллардан буён ишлаб, касб касаллигига чалинганлиги сабабли Н-1 шаклдаги далолатнома тузишда ва бир йўла бериладиган нафақа ҳамда зарар тўловларини олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган, касаба уюшманинг аралашуви билан 2024 йил 28 феврал куни иш берувчи томонидан Н-1 шаклдаги далолатнома тузилган ва 2024 йил 10 сентябр куни “Кафил суғурта” АЖ томонидан Ж.Ражабовага 78 млн. 41 минг сўм бир йўла тўланадиган нафақа ва ойма-ой тўланиши лозим бўлган касб касаллиги бўйича зарар пуллари тўлаб берилди.

Фуқаро Ж.Ражабова 2025 йил 05 феврал куни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Хоразм вилояти кенгашига, Ҳазорасп туман тиббиёт бирашмасида ишлаб касб касаллигига чалинганлиги сабабли 2025 йил давомида ойма-ой тўланадиган зарар тўловларини олишда амалий ёрдам сўраб қайта мурожаат қилган.

Республика Кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Ҳазорасп туман тиббиёт бирашмаси томонидан касб касаллиги бўйича тўланмай турган ойма-ой зарар пуллари тўлаш тўғрисида берилган кўрсатмага асосан Ж.Ражабовага 2024 йил октябр, ноябр, декабр ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилган зарар ўрнини қоплашнинг кўпайтирилган фарқи учун 1 млн. 59 минг сўм, 2025 йил январ, феврал, март, апрел, ва май ойлари учун ҳар ойлик зарар тўловлари учун 13 млн. 535 минг сўм ундириб берилган ҳамда фуқаро Ж.Ражабовага зарар пуллари ойма-ой тўланадиган тўланиши йўлга қўйилган.

#### **Тошкент вилоятида:**

Республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан, 2024 йилнинг 14 ноябр куни Зангиота туман тиббиёт бирлашмасида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати ўтказилиб, бирлашмада ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга мутахассислиги бўйича махсус иш стажига белгиланган устама ҳақ тўланмаётганлиги аниқланди.

Ушбу камчиликларни бартараф қилиниши юзасидан иш берувчига Республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан 2024 йил 20 ноябрь куни бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма киритилган. Бироқ иш берувчи томонидан ўз вақтида кўрсатма талаблари бажарилмаган.

Кейинчалик, Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига жами 10 нафар ходим манфаатида даъво ариза киритилган.

ФИБ Зангиота туманлараро суди томонидан 2025 йил 11 март куни Зангиота туман тиббиёт бирлашмасининг 10 нафар ходимларига жами 162 млн. 406 минг сўм устама пулларини ундириш бўйича ҳал қилув қарори асосида ходимларга тўлаб берилган.

Қуйичирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасида жамоатчилик назорати ўтказиш жараёнида 2023 йил бошидан ўрганиш кунигача бўлган вақтига қадар Меҳнат кодексининг 361-моддаси ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси талабларига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига биноан 82 та иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан шаходат (баҳолаш)дан ўтказиш ишлари амалга оширилмаганлиги оқибатида, унда ишловчи 415 нафар ходимларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган.

Шунингдек, ўрганиш жараёнида Меҳнат кодексининг 359 ва 363-моддалари ҳамда “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси талабларига асосан, бирлашмада меҳнат қилаётган 1109 нафар тиббиёт ходимлари шахсий ҳимоя воситалари (пахта матоли оқ ҳалат, қалпоқча) ва техник ходимлар шахсий ҳимоя воситалари (комбенизон, фуфайка) билан таъминланмаганлиги аниқланган.

Бирлашмада олиб борилган жамоатчилик назорати яқунлари бўйича иш берувчига 2024 йилнинг 3 июнида кўриб чиқиши мажбурий бўлган кўрсатма киритиш орқали ташкилотда меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан шаходат (баҳолаш)дан ўтказиш ишларини амалга ошириш, ходимларни шахсий ҳимоя воситалари (пахта матоли оқ ҳалат, қалпоқча) ва техник ходимлар шахсий ҳимоя воситалари (комбенизон, фуфайка) билан таъминлаш талаби қўйилган. Аммо, иш берувчи томонидан кўрсатма талаблари бажарилмаган.

Натижада, ФИБ Қуйичирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритилган ва иш берувчига мажбурият юклаш юзасидан суднинг 2025 йил 20 январдаги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Суд қарорига асосан Қуйичирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасида меҳнат қилаётган 1500 нафар тиббиёт ходимларини шахсий ҳимоя воситалари (пахта матоли оқ ҳалат, қалпоқча) билан таъминлаш учун иш берувчининг маблағлари ҳисобидан 199 млн. сўм сарфланган.

### **Тошкент шаҳрида:**

Фуқаролар М.Б.Қудратходжаева, Ў.Ходжаев ва Б.Д.Қурбоновлар томонидан Тошкент шаҳар Санитария эпидемиологик осойишталик ва

жамоат саломатлиги хизматининг бошкармасидан пандемия даврида ишлаган иш даври учун 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 26 августга қадар тўланиши лозим бўлган махсус тўловларни ундириш тўғрисида ёзма равишда ариза билан мурожаат қилган ва мурожаатчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ФИБ Шайхонтохур туманлараро судига даъво аризаси киритилган ва суднинг ҳал қилув қарорига асосан жами 787 млн. 499 минг сўм махсус тўлов ундириб берилган.

Фуқаро Ф.Н.Назарова Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий тадқиқот институтида инфекционист-шифокор сифатида “COVID-19” короновирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш мақсадида ишлаган даври учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4652-сонли Қарорига асосан тўланмай қолган бир марталик тўловларни ундириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган ва мурожаатчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ФИБ Шайхонтохур туманлараро судига даъво ариза киритилган ва суднинг ҳал қилув қарорига асосан касаба уюшмаси аъзосига 100 млн. сўм ундириб берилган.

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси томонидан ҳисобот даврида ходимларни меҳнатини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган.**

Ўтган даврда меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари асосида фаолият юритиб борилди.

2022 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг меҳнат муҳофазасига тааллуқли 87 та моддаларининг ижроси касаба уюшмалари иштирокида белгиланган.

Ҳисобот даврида касаба уюшмаси томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қуйидаги қонун ва қонуности ҳужжатларга ўз тақлифларини ишлаб чиқди ва тегишли органларга тақдим этди:

- Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг 148-, 187- ва 155-сонли Конвенцияларига;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги қонунунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи лойиҳасига;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига;

- Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2024-2025 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” га;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи лойиҳасига;

- “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқ лойиҳасига;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга киритилаётган ўзгартиришлар бўйича;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш Концепцияси”га;

- Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг қарори билан тасдиқланаётган “Пестицидларнинг зарарлилиги ва хавфлилигига кўра таснифларга ажратишга доир гигиеник талаблар” бўйича;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “2024-2027 йилларга мўлжалланган аҳолининг, айниқса ўсмир ва ёшларнинг тамаки маҳсулотлари, шу жумладан электрон сигареталар ва тамакини қиздириш тизимларини чекиш зарарлари тўғрисида хабардорлигини ошириш ва мамлакатда соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар Дастури” лойиҳасига ва бошқа хужжатларга таклифлар киритилди.


Республика Кенгаши томонидан муассаса раҳбарлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандислар, касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар иштирокида ўқув семинарлар ўтказиб келинди. Ушбу семинарларда 50 минг 585 нафар ходимларнинг иштироклари таъминланди.

Ҳисобот даврида 30 га яқин касбларга меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиб, муассасаларга электрон шаклда тақдим этилди.


Тармоқдаги муассасаларда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларини олдини олишга қаратилган жами 66 минг 880 та тадбир режалаштирилиб, амалда 62 минг 425 таси (93%) бажарилишига эришилди.

## Меҳнат муҳофазаси

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудлар кесимида ҳар бир ходим учун ўртача сарфланган маблағ



Жамоа шартномалари орқали меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича ходимларга ўртача сарфланган маблағ



## Жамоа шартномалари орқали меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича ходимларга сарфланган ўртача маблағ



## Муассасаларда махсус кийим бош ва шахсий химоя воситалари билан таъминланиши ҳудудлар кесимида

№	Ҳудудлар	Махсус кийим билан таъминлангани лозим бўлган ходимлар сони	Махсус кийим билан таъминланган ходимлар сони	Таъминланган % лар	Ўртача ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори
	Республика	593 774	341 752	58%	219 416
1	Қорақалп . Респ.	30 215	19 806	66%	252 058
2	Андижон вилояти	48 775	27 871	57%	208 547
3	Бухоро вилояти	38 709	19 590	51%	191 265
4	Жиззах вилояти	22 423	12 416	55%	226 758
5	Навоий вилояти	23 143	12 291	53%	274 897
6	Наманган вилояти	47 736	29 116	61%	205 629
7	Самарқанд вил .	52 535	25 519	49%	204 520
8	Сирдарё вилояти	18 876	10 982	58%	244 828
9	Сурхондарё вил .	36 924	21 735	59%	238 068
10	Қашқадарё вил.	53 919	33 978	63%	259 895
11	Тошкент вилояти	54 203	28 793	53%	164 383
12	Фарғона вилояти	65 108	36 739	56%	209 053
13	Хоразм вилояти	26 036	14 021	54%	287 622
14	Тошкент шаҳри	75 172	48 895	65%	202 349